

ЖАНУБИЙ МИНТАҚАДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ СИФАТ

КҮРСАТКИЧЛАРИ

М. У.Махаматова

ТошДАУ доценти

Аннотация

Мақолада буғдой дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори тупроқ-иқлим ва етиштириш шароитига боғлиқ ҳолда ўзгарувчанликка мойилдир. Буғдой дони тартибидаги оқсил ва клейковина миқдори уни етиштириш шароитига, қўлланиладиган агротехникага, навнинг хусусиятига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб ўзгариши баён этилган.

КАЧСТВЕННЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В ЮЖНОМ РЕГИОНЕ

М. У. Махаматова

Доцент ТашГАУ.

Уязвимость изменения количества белка и клейковины в зерне пшеницы под влиянием условия выращивания и почвы и климата подчеркивается в статье. А также упоминаются изменение количество белка и клейковины в зерне в зависимости условий прорашивания, особенности сорта и других факторов.

QUALITATIVE INDEXES OF WINTER SOFT WHEAT IN THE SOUTHERN REGION

M. U. Makhamatova

Docent TSAU.

Vulnerability of variation of protein and gluten quantity in the wheat grain depending on soil-climatic and growing condition influences is noted in this paper. The relation between protein and gluten quantity depending on growing condition and variety features is underlined as well as.

Калит сўзлар: юмшоқ буғдой, оқсил, клейковина, мойил, ўзгарувчанлик, тупроқ-иқлим, агротехника, нав хусусияти.

Ключевые слова: мягкая пшеница, протеин, клейковина, уязвимость, изменчивость, почва, климат, агротехника, особенность сорта.

Key words: soft wheat, protein, gluten, vulnerable, variation, soil, climate, agro-practice, variety property.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари шароити етиштирилаётган ерларда буғдой таркибидаги оқсил хорижий давлатларда суғорилмайдиган майдонларда етиштириладиган буғдойга нисбатан 2-3 % ва ундан ортиқ камаяди. Буғдойга иссиқ, айниқса баҳор сел ёғин ва салқин келган йиллари кучли таъсир кўрсатади. Кучли иссиқ буғдой дон сифатига ўта кучли салбий таъсир кўрсатади.

Буғдой дони тартибидаги оқсил ва клейковина миқдори уни етиштириш шароитига, кўлланиладиган агротехникага, навнинг хусусиятига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб ўзгариб туради (Файзуллаев 2021 й.).

Кунлик ҳарорат 30°C гача бўлганда оқсил сифати ошган ва $35-40^{\circ}\text{C}$ да эса оқсил сифати (ҳаттоқи орада 3-4 кун бўлган тақдирда ҳам) пасайланлигини P.J.Randall, H.J.Moss [247] ўз маълумотларида қайд этишган.

А.Амановнинг таъкидлашича, буғдой доннинг сифатини баҳолашда қуйидагилар: оқсил миқдори, седиментация кўрсаткичи, эркин тушиш сони, ноннинг кўпчиши ва шаклини сақлаш хусусияти, ҳамда клейковина сифати кўрсаткичи нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда дондаги клейковина миқдори ва сифати буғдой доннинг технологик ва озиқавий бойлигини баҳоловчи биринчи омил бўлиб ҳисобланади [6; 6-8-б].

Дон сифатининг асосий кўрсаткичлари дондаги оқсил ва клейковинанинг сифати ва миқдори кабилардир. Кўпгина олимлар томонидан ҳосилдорликни ошириш, кўпинча дон таркибидаги оқсилнинг фоиз ҳисобидаги миқдорини камайишига олиб келади.

Буғдой селекциясининг энг муҳим йўналиши дон сифат кўрсаткичларининг юқорилилигидир, яъни ун чиқиш ва нон пишиш хусусиятидир. Дон сифатининг асосий кўрсаткичлари доннинг шишасимонлиги, оқсилнинг сифати ва миқдори кабилар. Доннинг таркибидаги оқсил ва клейковинанинг миқдори ўстириш шароитига қараб ўзгарувчанликка эга. Аммо унинг технологик хусусиятлари, ирсий белги ҳисбланиб, ҳосили юқори бўлиши ўсимликнинг генетик хусусиятларига ҳамда ташқи муҳит омилларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.(Мусурмонов Д, 2019).

Жанубий минтақадаги юмшоқ буғдой навларининг оқсил миқдори таҳлиллари шуни кўрсатдики, 1-жадвал маълумотларига кўра, андоза Термиз-5 нави 13,1 %ни ташкил этгани ҳолда, маҳаллий навларда, яъни Ёнбош нави (13 %), Термиз-6 (13,4 %), Термиз-20 (13,6 %), ва Термиз-37 (13,7 %), навларида нисбатан юқори натижалар қайд этилди. Шунингдек, нисбатан юқори оқсил миқдорига эга навлар сифатида маҳаллий навлардан Дурдона, Зомин-1, Ҳазрати башир, Ғозғон ҳамда Краснодар навларидан Эсаул, Гром, Зимница, Крошка навлари ажратиб олинди. Қолган навларда белги бўйича кўрсаткич 11,4 % (Бобур, Бунёдкор, Краснодар-99) дан 11,8 % (Яксарт, Москвич, Звезда) гача бўлганлиги намоён бўлди.

**1-жадвал Жанубий минтақадаги юмшоқ буғдой навларининг оқсил миқдори
(Термиз 2016-2018)**

№	Нав номи	Термиз тумани			
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	Үргача оқсил миқдори
1	2	3	4	5	6
1	Термиз-5	13.1	13.5	12.8	13.1
2	Яксарт	11.8	12.0	11.7	11.8
3	Хазрати башир	12.0	12.1	12.3	12.1
4	Бобур	11.0	11.5	11.7	11.4
5	Зомин-1	12.2	12.5	12.8	12.5
6	Дурдона	12.7	13	12.9	12.9
7	Санзар-8	12.7	12.1	12.0	12.3
8	Ёнбош	12.1	12.1	12.7	13.0
9	Бунёдкор	13.0	13.0	13.1	11.4
10	Краснодар-99	11.5	11.0	11.6	11.4
11	Гром	12.1	12.2	12.3	12.2
12	Эсаул	12.7	12.0	12.1	12.3
13	Москвич	11.9	11.7	11.8	11.8
14	Звезда	12.3	12.1	11.0	11.8
15	Зимница	12.0	12.3	12.4	12.2
16	Крошка	12.0	12.0	12.1	12.0
17	Фозгон	12.7	12.8	12.8	12.8
18	Термиз-6	13.2	13.4	13.5	13.4
19	Термиз-20	13.5	13.6	13.7	13.6
20	Термиз-37	13.8	13.9	13.5	13.7

2-жадвал Жанубий минтақадаги юмшоқ буғдой навларининг клейковина миқдори (Термиз 2016-2018 й)

№	Нав номи	Термиз тумамни			
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	Үргача клейковина миқдори
1	2	3	4	5	6
1	Термиз-5	32.5	32.6	32	32.4
2	Яксорт	31.2	31.6	31.5	31.4
3	Хазрати башир	31.8	31.9	31.7	31.8
4	Бобур	31.5	31.5	31.2	31.4
5	Зомин-1	31.6	31.6	31.4	31.5
6	Дурдона	31.5	31.2	31.3	31.4
7	Санзар-8	30.8	20.5	30.6	30.6
8	Ёнбош	31.5	31.6	31.7	31.6
9	Бунёдкор	32.1	32.4	31.9	32.1
10	Кроснодар-99	30.1	30	30	30.0
11	Гром	31.5	30.5	31.0	31.3
12	Эсаул	31.0	31.0	30.1	31.0
13	Москвич	30.1	30.2	30.4	30.2
14	Звезда	30.1	30.5	30.4	30.4
15	Зимница	30.1	31.2	31.2	30.8
16	Крошка	31.1	31.4	31.5	31.3
17	Фозгон	32.1	32.3	32.6	32.3
18	Термиз-6	32.5	32.7	32.4	32.5
19	Термиз-20	32.4	32.8	32.7	32.6
20	Термиз-37	32.4	32.5	31.5	32.1

Демак, оқсил миқдори юқори бўлган Термиз-5, Ёнбош нави, Термиз-6, Термиз-20 ва Термиз-37 навларидан оқсил миқдорини яхшилашда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жанубий минтақадаги юмшоқ буғдой навларининг клейковина миқдори бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтирилди. Белги бўйича юқори натижалар андоза нав сифатида иштирок этган Термиз-5 навида 32,4 % натижа қайд этилгани ҳолда Бунёдкор (32,1 %), Ғозғон (32,3 %) навларида ҳамда Термиз навларида (тегишли равишда Термиз-6 навида 32,5 %, Термиз-20 навида 32,6 %, Термиз-37 навида 32,1 %) нисбатан юқори натижалар қайд этилди.

Шундай қилиб, жанубий минтақада яратилган навлар айнан шу минтақага мослиги исботланди. Ушбу минтақада оқсил ва клейковина кўрсаткичлари бўйича бошқа навларга нисбатан устунликка эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Аманов О. Ҳар хил тупроқ иқлим шароитида буғдой дониинг технологик сифат кўрсаткичларини ўзгариши\|.Ўзбекистонда озиқ–овқат дастурини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва истиқболлари”.Респ.Илмий-амалий конференция материаллари тўплами.Сам СХИ, 2015й.-Б 245-247.
- 2.Алиқулов С, А.Аманов, З.Зиёдуллаев, М.Юлдашев “Сурхондарё вилоятида юмшоқ буғдойнинг технологик сифат кўрсаткичлари”.Ўзбекистон аграр фани хабарномаси.№1-2. 2009.7-10бет.
- 3..Жўраев Д, А.Аманов, Ш.Дилмуров, А.Мейлиев “Ташқи мухит омилларининг юмшоқ буғдой нав ва намуналар ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири”.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №12015й.31-32бетлар.
- 4.Шарма Р, Ш.Ҳазратқулова, О.Аманов, Ш.Дилмурадов “Кузги юмшоқ буғдой навлари ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичларининг иқлим шароитларига ўзаро боғлиқлиги”.Агроилм.№2-3.2015й.30бет.
- 5.Сиддиқов Р, Т.Рахимов, З.Юлдашев, Т.Нажимов “ Кузги юмшоқ буғдой нав ва линияларнинг дон технологик сифат кўрсаткичлари. Агроилм.№5,2021й.19-20бетлар.
- 6.Randall, P.J. and H.J.Moss, 1990. Some effects of temperature regime during grain filling on wheat quality. Aust J Agric. Res. 41:603-617.